



LABOR PROTECTION PROBLEMS IN CONSTRUCTION AND THEIR SOLUTIONS

Bayzakov A. A.

Samarkand State Institute of Architecture and Construction,

Associate Professor of "Buildings and Structures", Ph.D.,

bayzakov58@mail.ru, tel: +998 93 3569447

Annotation

Ensuring safe working conditions on the construction site is the main factor in preserving the life and health of employees. In construction, there were many cases of injuries and human casualties to varying degrees. Therefore, occupational health and safety issues remain relevant in construction processes. The content of the article is devoted to the problems and their solutions in the field of labor protection of workers in construction conditions

Keywords: construction, labor protection, risk, production.

Аннотация

Қурилиш майдонида хавфсиз меҳнат шароитларининг таъминланиши, ишчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлашнинг асосий омили ҳисобланади. Қурилишда турли даражада жароҳатланишлар ва инсонлар ҳалок бўлиши ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Шунинг учун қурилишдаги жараёнларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик масалалари долзарблигича қолмоқда. Мақола мазмуни жиҳатдан қурилишда ишловчиларнинг меҳнати муҳофазасидаги муамолар ва уларнинг ечимларига қаратилган.

Калит сўзлар: Қурилиш, меҳнат муҳофазаси, хавф, ишлаб чиқариш.

Қурилиш майдонида кўплаб оғир техникалар ишлаши ва турли хил электр ускуналаридан фойдаланиш унда фаолият қилувчиларга юқори хавфларни юзага келтирди. Бугунги кунда кўплаб қурилиш жараёнлари механизациялашувига қарамасдан қурилишда қўлда бажариладиган ишларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Ишчилар баландликларда, муҳандислик тармоқлари монтажи ва бошқа ишларни бажариши жараёнида келиб чиқадиган жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалар, аввало иш жараёнини ташкил этишда назоратнинг сустлиги, масъулиятсизлик ва қурилиш майдонида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаслигидир. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра бутун дунё бўйича ҳар йили қурилиш майдонларида 60 000 та ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар қайд қилинмоқда.



Қурилиш тармоғида барча ишловчиларнинг 6-10% банд бўлгани ҳолда, саноати ривожланган мамлакатларда қурилишда ўлим ҳолатларининг улуши 25-40% ни ташкил этмоқда[1].

Ўзбекистонда 2020 йилда коронавирус пандемиясига қарамасдан ишлаб чиқариш жараёнларида бахтсиз ҳодисалар ошган. Бу ҳақда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг маълумотларига кўра, 2020 йил давомида республикамизда ушбу кўрсаткич 607 тани (107 тага кўпайган) ташкил этган. Бахтсиз ҳодисалар оқибатида 693 нафар ходим жабрланган, шу жумладан қурилиш соҳасида жами — 82 та. Оқибатда 31 нафар ходим вафот этган ва 51 нафари оғир тан жароҳати олган [2]. Юқорида келтирилган маълумотлар республикамизда ҳам қурилишдаги ишловчилар ўртасида бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланишнинг кўплигини кўрсатмоқда. Ишчиларнинг саломатлигини йўқотиши баъзи ҳолатларда ўлим ҳолатининг бўлиши ҳар қандай тавон тўланиши бу йўқотишнинг ўрнини боса олмайди, иш берувчилар эса иш кучининг йўқотилишига, касаллик даври учун пул харажатлар, бахтсиз ҳодиса оқибатида қурилиш муддатларининг ортиши ва корхонанинг обрўсизланишига сабаб бўлади. Бугунги кунда қурилиш бошқа тармоқларга қараганда энг кўп хавф-хатарларга эга бўлиб, бунга сабаб замонавий қурилишларнинг мураккаблиги ҳамда уларнинг турларининг кўплигидир.

Қурилиш соҳасида юқори даражадаги жароҳатланишлар, аввало меҳнатни муҳофазасига доир қонуний ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинмаслиги ва кўплаб қоидабузарликлар оқибатда юзага келмоқда. Жумладан, айрим қурилиш ташкилоти раҳбарлари ва мутахассислари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқиш ва билим даражалари бўйича назорат текширувига ва мансаб йўриқномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларига эътиборсизларча муносабатда бўлмоқдалар. Баъзи ҳолларда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари ишлаб чиқилмаслиги, муддатларига риоя этилмаслиги, ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш муддатларига амал қилинмаслиги ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича ишчиларни ва инженер-техник ходимларни аттестациядан ўтказилмаслик ҳолатлари учрайди.

Юқоридагилардан ташқари баъзи ҳолатларда бажарадиган ишига мос малакага эга бўлмаган фуқароларни ишга расмийлаштирмаган ҳолда ноқонуний меҳнатга жалб этиш ҳолатлари мавжуд. Улар ишга тегишли йўриқномаларсиз ва хавфсиз меҳнат уқувисиз иш фаолиятига киришадилар. Бу эса фуқароларнинг жабрланишига ёки ўлимига сабаб бўлади.



Хорижий мамлакатлар, жумладан Финландияда қурилишда ишлаш ваколатига эга бўлиш учун финсаноат корхоналари томонидан ишлаб чиқилган махсус курсда ўқишлари талаб этилади. Курс тугаллангандан сўнг махсус шахсий карта (Tyoturvallisuuskortti) берилади ва у ҳар йили қайта тасдиқдан ўтиши лозим. Бундан ташқари Финландияда ишчи махсус QR (Quick Response) кодга эга бўлиши керак, чунки назорат қилувчи ташкилот ушбу кодни сканерлаб олади ва бу код орқали ишчи қандай ишни бажараётгани ҳамда қандай шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги устидан назоратни амалга ошириш имкониятига эга бўлади [3]. Ишчига QR код қурилишда фаолиятини бошлашдан аввал берилади ва ишга киришишга рухсатни ифодалайди.

Юқорида келтирилган вақт ва харажат талаб этадиган иккита ҳолат меҳнат муҳофазаси талаблари устидан назоратни амалга оширишга имкон беради. Қурувчиларни ўқитиш ва уларни махсус карталарсиз ишга рухсат бермаслик бу эса барча қурувчиларнинг қонуний ишлашига, малакали ишчиларга айланишига, уларда хавфсизлик маданиятининг шаклланишига ҳамда, меҳнат муҳофазаси талаблари бузилишининг олдини олишга қаратилган дуёқарашнинг шаклланишига олиб келади.

Республикамизда қурилиш майдонларида ишловчиларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашда уларни фаолият йўналишда ўқитиш, ўзининг ва атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дунёқаршни шаллантириш ҳамда Финландия ва бошқа хориж давлатларининг хавфсизликка доир илғор услубларини кенг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда замонавий қурилиш ишларини бажараётган кўплаб қурилиш ташкилотларида меҳнатни муҳофазаси ишларини бажаришга тайёр профессионал кадрлар мавжуд эмас ёки улар сони эҳтиёжни етарлича қопламайди. Мамлакатимизда қурилиш соҳаси ва унинг истиқболдаги ривожини меҳнат муҳофазасига доир рақобатбардош малакали мутахассисларнинг етишмаслигини кўрсатмоқда, бу эса зарурий олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимида мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Меҳнат бозорида бажарилаётган қурилиш ишларининг аксарият қисми кам сонли ишчиларга эга қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилаётгани ҳолда доимий асосда ишловчи юқори малакали ишчиларни ҳамда инженер -техник ходимларни ақлашда маблағларни тежашга бўлган ҳаракат мавжуд. Қурилиш майдонида банд бўлган ишчи кучи ва инженер-техник ходимлар конкрет буюрта асосида маълум ишни бажаришга жалб қилиниши кўплаб кадрлар қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда.



Булардан ташқари кам қувватли механизациялашган базага эга қурилиш ташкилоти ташқаридан машина ва механизмларни жалб қилинишига ва уларнинг ҳолати талаб этилган хавфсизлик талабларига ҳамма вақт ҳам жавоб беравермайди.

Қурилиш бизнесида қатнашаётган айрим ташкилотлар меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига юзаки ёки умуман эътибор бермасликлари оқибатида жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг юзага келиш ҳолатлари мавжуд. Бундай ташкилотлар устидан назоратни кучайтириш ва меҳнатни муҳофаза масалалари билан шуғулланишларига мажбурий чоралар кўрилиши зарур.

Бахтсиз ҳодисалар ва шикастланишларни камайтириш фақатгина меҳнатни муҳофаза қилишнинг барча қоидаларига риоя этилиши ҳамда қуйидаги чора тадбирлар орқали эришилади [4].

Техникавий чора ва тадбирлар:

- белгиланган муддатларда ускуналарни техник кўриқдан ўтказиш ва доимо фойдаланиш учун соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;
- ҳаракатланаётган ва айланувчи механизмлар ишлаётган хавfli ҳудудларга тўсиқ деворлар ўрнатиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини масофадан хатоликларсиз автоматлаштириган ҳолда бошқариш;
- ишлаб чиқаришдаги бузилишларни огоҳлантирувчи хавфсизлик датчикларини ўрнатиш;
- қўлланилаётган механизмлар ва машиналар ўз вақтида таъмирлаш ҳамда қурилмавий ва муҳандислик камчиликларини бартараф этиш;
- шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш.

Санитария ва гигиеник чора ва тадбирлар:

- меъёрий кўрсаткичларгача ишнинг оғирлик даражаси ва кучланишини камайтириш;
- маълум иш турлари учун хоналарда шинам микроқлимни таъминлаш;
- заҳарли моддаларнинг концентрацияси йўл қўйилиши мумкин бўлган қийматдан ошиши мумкин бўлган ҳолларда ишлаб чиқариш хоналарини шамоллатиш, ҳавони тозалаш ва кондеционерлаш чоралари кўриш;
- меъёрларга мувофиқ иш жойини ёритиш, шовқиндан ҳимояланишни ошириш, иш жараёнида тебранишларни камайтириш;
- тегишли паспорт ва сертификатга эга бўлган юқори технологик материаллар ва буюмлардан фойдаланиш;



➤ иш жойи, қурилиш майдончаси ёки хоналарда доимий тозаликни таъминлаш.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият бахтсиз ҳодисалар ташкилий сабаблар туфайли юзага келади ва ташкилотнинг ўзида бу турдаги салбий сабабларни бартараф этиш кечиктирилмайдиган вазифа ҳисобланади, яъни:

- ишчиларга ва раҳбарият ходимларига ихтисослашган фаолияти бўйича йўриқномалар бериш, ўргатиш, назорат қилиш ва огоҳлантириш;
- ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича иш жойи учун тегишли йўриқномалар ишлаб чиқиш;
- иш жойида хавфсизликка огоҳлантирувчи кўргазмали табличкалар, плакатлар ва бошқалар билан таъминлаш;
- ишлаб чиқариш жароҳатланишининг огоҳлантиришга қаратилган ҳамда меҳнат шароитини яхшилшга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этиш;
- ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли қонунлар, жамоа шартномаси, меҳнат муҳофазаси келишуви ва бошқа локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;
- меҳнатни муҳофаза бўйича қонунчиликни ва бошқа меҳнатни муҳофазаси доир меъёрий-ҳуқуқий ва меъёрий-техникавий ҳужжатларни ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини ўрганиш, меҳнат муҳофазасининг илғор тажрибаларни кенг жорий этиш, меҳнат муҳофазаси масалаларини тарғибот қилиш;
- ишчилар ва инженер-техник ходимларни техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, жароҳатланганда бирламчи ёрдам кўрсатиш бўйича кириш йўриқномасиз иш бошлашига рухсат бермаслик ва бевосита иш жойида ҳам техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ўтказиш;
- ишчиларни иш бошлагандан сўнг уч ой ичида техника хавфсизлиги бўйича махсус курсларда ўқитиш;
- инженер-техник ходимларнинг билимларини текшириш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги чора тадбирларни сифат ва самарадорлигини ошириш, меъёрий ҳамда шахсий ҳимоя воситалар таъминоти тизимини янада такомиллаштириш бевосита иш жойларида хавфсизликнинг таъминланишининг муҳим шарт ҳисобланади. Демак, юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кўплаб тадбирлар албатта вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда, аммо республикамизда қурилиш кўламининг ошиши,



қурилиш ишларининг мураккаблашуви, замонавий техника, технологияларнинг кўплаб қўлланилиши, ўз навбатида талаб этилган даражада хавфсизликни таъминлашга қаратилган янги инновацион ечимлар, илмий ёндошувлар ва услублардан самарали фойдаланишга бўлган заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар рўйхати

1. Обеспечение профессиональной безопасности и сохранение здоровья работников строительной отрасли: <https://www.kiout.ru/info/publish/220> .
2. Ўзбекистонда 2020 йилда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони ошди. <https://uznews.uz/ru/article/18486/> .
4. Фешенко Д.Е. Управление безопасностью строительства.
5. Международный журнал прикладных наук и технологий "Integral" №6 2020. <https://cyberleninka.ru/artucle/n/upravlenie-bezopasnostyu-stroitelstva>.
6. И.И. Волков, О.М. Вахрушева. Снижение уровня аварийности и травматизма в строительстве. Научные труды КубГТУ, № 3, 2019 год. сайт.- URL: <http://ntk.kubstu.ru/file/2558> .